*Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **11 июнь** ШАНБА **№ 47** (12891)

www.th.uz

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!






*Катта шодиёна, тўю томошадан аввалги кунни арафа, дейди эл. Ён-атрофимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларни, жўшқин, кўтаринки кайфиятни, қалби улуғвор ҳисларга чулғанган миллионлаб ҳамюртларимизни кўриб-кузатиб баайни хаёл кўнгилдан ўтади. Айни фурсатларда биз энг улуғ, энг азиз байрам арафасида турибмиз. Бу кунларнинг эса ўзига хос кайфияти, руҳи бўлади.*



## ТИНЧЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ

**Тараддуд**

Бундай улуғвор кайфиятни қутлуғ тўйга атаб иморат солаётган меъмор-у қурувчилар, байроғимизни юксакларда ҳилпиратиб мағрур қувонаётган спортчилар, даласидан ризқ ундириб, эл дастурхонини бут қилаётган уста деҳқонлар ҳаммадан кўра яхши ҳис этсалар ажабмас. Зотан, мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"-ги Қарори бутун халқимизнинг қадду бастини кўтарди, мустақилликнинг нақадар улкан саодат эканини, бу йўлда қандай юксак марраларга эришганимиз ва эришаётганимизни яна бир карра дилдан ҳис этдик.

Мабодо ўнг келиб, фидойи, азамат, танти одамлар билан юзлашиб қолсангиз-у, овоз ёзгични тутиб, сўйланг, дилда не гаплар бор, дея юзлансангиз, пешона терини сидириб, хижолатомуз алфозда: "Мен ўз ишимни бажараяпман, холос" дейди улар. Бу жайдари сўзни эшитиб, замон қаҳрамони, буюк ишларнинг яратувчиси бўлган мана шу соддадил, самимий одамлар даврасида уларнинг даъволар-у баландпарвоз гаплардан йироқ суҳбатларини тинглаб, завққа чўмиб ўтиргиси келади одамнинг. Юз-кўзларида имон нури балқиб, юрагида ажиб эзгу орзулар мавж ураётган замондошларимиз – янги давр бунёдкорлари катта ҳаяжон, зўр иштиёқ билан қисқа фурсатларда эришган ютуқларимизни гап-гаштакларда, бозор-ўчарда, файзиёб гурунгларда санаб-айтиб, қутлуғ тўйни қаршилаб туришибди. Тўйга тўйлаб, қуни-қўнжини тўлдириб боришни кўзлаб турибди эл.

**Таққос**

Мустақилликдан кейин хусусий мулкчиликка кенг йўл очилиши туфайли қонқонимизга сингиб кетган ишбилармонлик, тадбиркорлик фазилатимиз қайта уйғонди. Дастлаб чўчиб, ишонқирамайгина ўз бизнесини бошлаган қатламнинг салмоғи бугун мингларча, юз мингларча бўлди. Давлат ва шахсан мамлакат Президенти тадбиркорларни ўз ҳимоясига олаётганини, қулай муҳит яратиб бераётганини кўрган-билганлар, кейинроқ сира иккиланмай, дадил, шахдам қадамлар билан хусусий тадбиркорлик йўлидан боришди. Алалоқибат ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоизни ташкил қилди!

Давоми 2-бетда.

### Эътироф

*Юртимиз ўзининг чорак асрлик мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқларни ҳеч иккиланмай мўъжизага менгзаш мумкин. Зеро, бугун дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, мавқеига эга Ўзбекистонимиз тенглар ичра тенг бўлди. Мамлакатимизга саёҳат қилиб, эришаётган ютуқларимизни ўз кўзи билан кўришни истовчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораётгани эътиборлидир. Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарларимиз билан бир қаторда юртимиз бозорлари, табиати ва одамларининг меҳмондўстлиги етти иқлимдан сайёҳларни чорламоқда.*

## МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИГА САЁҲАТ

Яқинда Буюк Британиянинг The Telegraph нашри Ўзбекистонга ташриф буюриш учун 11 та сабаб келтирилган мақолани чоп этди. Улардан энг қизиқарлиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Уч асосий нуқта**

"Агар сиз Буюк Ипак йўлига қизиқсангиз, аммо уни тўла саёҳат қилишга вақтингиз бўлмаса, ушбу йўлнинг учта энг муҳим шаҳарларини Ўзбекистонда топасиз. Хива, Бухоро ва Самарқанд савдогарлар учун асосий тўхташ жойлари бўлган", дейилади мақолада.

**Замонлар оша...**

"Хива ЮНЕСКО ҳимоясига олинган очиқ осмон остидаги музей, – дея қайд этилади мақолада. – Унга VI асрда асос солинган ва Буюк Ипак йўлининг савдо шаҳри сифатида гуллаб-яшнаган – масжид, мадраса ва мақбаралар шаҳарнинг эгри-бугри ва чалкаш кўчаларида кўпайиб борган, уларнинг барчаси моҳирона тарзда қайта тикланган.

Кеч туша бошлагач, маҳаллий сайёҳлар – суратга тушиш пайида гўзал манзара қидирган келин-куёвлар-у, ҳунармандчилик буюмларини кўз-кўз қилган усталар уйга кетиб, кўчалар ҳувиллаб қолади. Сўниб бораётган қуёш нури остида қалдирғочлар парвоз қилаётган ва лой деворлари шафақда қизариб қолган кўчаларни кезар экансиз, ўзингизни беихтиёр XII асрда юргандек ҳис қиласиз".

**Бир қадам йўл**

Ўзбекистондаги асосий манзилгоҳларга арзон ички парвозлар, йўл боғламалари ва тезюрар поездлар билан етиб бориш мумкин. "Шаҳарларнинг барчасида такси ва автобус хизматлари мавжуд, бунинг устига, Тошкент бекатлари Санкт-Петербург услубида ҳашаматли қилиб безатилган яхшигина метро бор", деб ёзади нашр.

**Хавфсиз олам**

Нашр Ўзбекистонда ҳеч кимга хиралик қилинмаслиги, қатъий "йўқ" дейиш орқали ёқимсиз вазиятга чек қўйиш мумкинлигини қайд этди. "Бу ерда сайёҳларга нисбатан жиноят жуда кам кузатилиши кишини хотиржам қилади", дейилади мақолада.

**Харидлар макони**

"Амир Темур ва унинг авлодлари Хива, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини гўзаллаштириш учун мамлакатнинг турли бурчакларидан кулол, рассом ва меъморларни чақиради. Уларнинг масжидлари энг нафис деворий суратлар ва терма нақшлар билан безатилади. Ўзбекистонда ҳунармандчилик маҳорати ҳозиргача сақланиб қолган. Бозорларда ҳамёнбоп нархга кулолчилик буюмлари, кашталар, ипак мато ва миниатюраларни харид қилишингиз мумкин", деб ёзади муаллиф.

**Хушкайфият улашиб...**

Нашр Тошкент ва Бухоро шаҳарлари, айниқса, европача шароитга эга эканлигини қайд этади. "Кўл бўйидаги емакхоналар, истироҳат боғлари ва асосий сайёҳлик манзилгоҳлари ёнидаги қаҳвахоналарни кўз олдингизга келтиринг. Музқаймоқ еб, чексиз миқдорда кўк чой симиргач, Ўзбекистонга саёҳатингиз қувноқ ўтаётганидан мамнун бўласиз, холос", дея қайд этилади нашрда.

### Саноат ярмаркаси

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ниҳоясига етди. Икки кун давом этган тадбирда тўрт юзга яқин корхона ўз маҳсулот ва хизматлари намойиш этди.*

## ЮКСАК САЛОҲИЯТ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани изчил ривожлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.



*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожида янги, юксалиш босқичини бошлаб берди. Анъанавий тарзда ўтказилаётган ярмаркада иштирокчилар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот тақдимотини ўтказиш билан бир қаторда, ўз фаолиятларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига илғор технологияларни жорий қилиш, маҳаллийлаштириш дастури самаралари ва бошқа долзарб масалалар юзасидан маълумотлар олдилар. Шунингдек, ярмарка турли йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қайд этиш жоизки, айни вақтда Тошкент шаҳри ва вилоятида 17,5 мингдан зиёд турли саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятида маҳаллийлаштириш лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаяпти. Хусусан, саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши Тошкент вилоятида 31,5 фоизни ташкил этади.

Ярмаркада электр техника, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тиббиёт, озиқ-овқат, енгил саноат, чарм-пойабзал, кимё, мебель, чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга ихтисослашган корхоналар фаол иштирок этди.

**Ф. ТОЛИПОВ.**

## ИМТИЁЗ, РАҒБАТ, МАСЪУЛИЯТ

*Вилоят ҳокимлигида "Маҳаллий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга берилган имтиёзлар тизимининг аҳамияти" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*



### Вилоят ҳокимлигида

Унда ЎзМТДП Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиялар гуруҳлари аъзолари, вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги бошқармалар мутасаддилари, тадбиркорлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Анвар Абдуқодиров кириш сўзи билан очди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ривожланиши йўлидаги ортиқча ғов ва тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 2-бетда.

## ЭЗГУ ИШЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

*Юртимизда маҳалла институтининг ваколат ва нуфузи ошиб, ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора яққол сезилаётир.*

### Кучли фуқаролик жамияти сари

Республикамизда бугун 10 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улар илгари маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатига кирувчи 30 дан зиёд вазифани муваффақиятли бажариб келаётгани шундан далолатдир. Шунингдек, маҳалла фуқаролик жамияти институтлари тизимида, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш Давлат дастурларини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда янада муҳим ўрин эгалламоқда.

Маҳалланинг республика халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштиришга оид ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 2015 йилга келиб, республикамизда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллаларда 7 минг 62 та "Маслаҳат марказлари" ташкил қилинди. Бу каби муҳим вазифаларни самарали амалга ошириш учун маҳаллаларни малакали раҳбар-кадрлар бошқариши зарур. Шу нуқтаи назардан қаралганда, якунланиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови улкан аҳамиятга эга жараёндир. Зеро, сайлов давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, либераллаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитга тўғри келмоқда.

Давоми 2-бетда.

# ТИНЧЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ

Тасаввур қилинг, одатий кунларнинг бирида телевизорда халқаро янгиликларни кўриб ўтирибсиз. Қаердадир уруш олови авжланмоқда, Европа қочоқлар можаросига чора изламоқда, терактлар инсониятни ғазаблантирмоқда, бегуноҳ болакайлар уруш қурбони бўлаётир, мурғак гўдакнинг жонсиз танаси денгиз бўйидаги қумлоқ соҳилдан топилди, узоқ-яқин ўлкаларда оналар, мотамсаро момолар тинч маскан ахтариб изиллайди. Ҳамма нарсанинг моҳияти қиёслашда кўринади.

Хўш, бизда, ўзимиздачи, қани, юртда нима гап, дея матбуотни варақлайсиз, маҳаллий янгиликларга қулоқ берасиз. Тасодифан, Оқсаройда, давлат раҳбари раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтгани ҳақидаги ахборотни эшитиб қоласиз. Рақамлар ва фактлар ҳайратингизни оширади, шу улуғ ишларга камарбасталик кайфияти борлиғингизни чулғаб олади. Мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларида вояга етаётган ёш авлоднинг камолоти йўлида қилинаётган ишларни салмоқлаб, ҳайратга чўмасиз – бугун уларнинг 56 фоизи мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда ва бу рақамлар ҳар йили ортиб бормоқда. Бугун юртимиздаги 157 та қишлоқ туманида 191 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилибди, қаранг.

Албатта, бу рақамлар ортида қанчалаб азамат ватандошларимизнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари, тинимсиз изланишлари ётганини батафсил шарҳлаб беришнинг

Бошланиши 1-бетда.

имкони йўқ. Лекин, баъзан биргина мисол ёрдамида ҳам жараённинг айрим тафсилотларини тушунтириш мумкин...

### Тафсилот

Бундан тўрт йил муқаддам бўлиб ўтган нуфузли халқаро конференцияни бир ёдга олайлик. Ўшанда дунёнинг таниқли иқтисодчилари пойтахтимизда жамулжам бўлганди. 2012 йилнинг 14 сентябрида "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли



ва аҳамияти" деган мавзуда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуманнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг сабаблари ҳақида тўхталар экан, жумладан, шундай деган эди: "...тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир".

Биринчидан, ўйлаб кўрилса, шу жумланинг ўзиёқ собиқ мустабид тузумнинг асл башараси, мазлумга имконият бермаслик, истеъдодини юзага чиқармаслик принципини англашга даъват қилади. Иккинчидан, Ватанимиз фарзандлари азалдан савдо-сотиққа уста, Буюк Ипак йўли бўйлаб мағрибу машриққа ҳам нони, ҳам шони таралган азамат халқмиз. Аммо ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига қадар бу халқнинг боши таъна-маломатдан чиқмади, куни куракда турмайдиган дашномлар эшитиш билан ўтди.

Хўш, бугун-чи? Ана энди гапни ангренлик Зарифа Баҳодировадан эшитинг.

Тадбиркор аёл бугун оддий тол новдаларидан 100 дан зиёд турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Улар билан дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларида ташкил этилган ярмаркаларда қатнашган. Унинг маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидор мўл. Аёл боши билан ким, қандай омил унга шу қадар қанот берди, ўз имкониятларини тўла намоён этишга шароит туғдирди?..

Қоратол новдасидан



хил-хил рўзғорбоп ашёлар ясаб, уларни хорижгача сотишни ташкиллаштирган бу ҳунарманд аёл бир вақтлар бир этак норасида жужуқларини боқиш ташвишида бошини чангаллаб юрганига биров ишонадими? Ўшанда Зарифа Баҳодирова чора ахтарди ва уни ўзидан топди. У, қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар, мен эса одамман, бировларнинг қўлига қарам бўлиб қолгандан кўра, ўзим бирон ҳунарнинг бошини тутай, деган қарорга келди ва қадимий ҳунар – новдалардан бежирим буюмлар ясашни ўрганди. Яна денг, устоз кўрмай, фақат китоб ўқиш ва қариялардан эшитганлари асосида.

– Қийинчиликлар одамни чархлаб, ўткир бўлишга ундар экан, – дейди Зарифа опа. – Аслида, қоратолда ҳеч бир хосият йўқ. У менинг янги иш бошлашимга туртки, бўлган, холос. Одам кучни ўзидан ахтарсин, чунки қудрат одамнинг ичида. Бугун эса ўз куч-қудратимни намоён қиламан, деганга барча шарт-шароит бор...

Опанинг мана шу гапи давлатимиз раҳбарининг боя эслаганимиз – халқаро конференцияда айтган мулоҳазаларига, яъни кичик бизнес нафақат даромад манбаи, балки одамнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси эканига зўр далил эмасми?..

### Тафаккур

Ҳаммасини эслаймиз, ҳаммаси ёдимизда – ўша жўшқин, серташвиш йиллар, энди-энди оёққа тураётган миллий иқтисод, юрагию билаги полвон халқимиз таъбири билан айтганда, "дўст" ниқобини кийган ағёрнинг оёқдан "чил бериш"га уринишлари, аллакимларнинг сўқир виждон билан беҳуда башоратгўйлик қилганлари...

Аммо бугун...



Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани қалбга олам-олам ғурур бахш этади. Қайдасиз, сафсатабоз "ғамхўр"лар, кўринг энди Ўзбекистон камолини, деб баралла айтгинг келади!

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда, мамлакатимизда ўтган 2015 йилда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолингани, ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунча, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошгани, яъни, миллий иқтисод тўла оёққа тургани меҳнаткаш халқимиз ғурурини осмон қилаётир! Янги-янги режалар, узоқ муддатларга мўлжалланган ҳаётбахш ислоҳотлар бардавом бўлаётир.

Шундай қилиб, иқтисодиётимизнинг бугунги суръати, жадал тараққиёти натижасида, 2030 йилга бориб, янги турдаги товарларни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерел ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин, дея қайд этади Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. Бу рақамлар иқтисодиётимизнинг айрим соҳаларидагина кўзда тутилаётган юксалишлар, холос. Агарда, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари шу тақлид равнақ топаверса, фойда, даромад деганлари қай даражада ортажагини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Шундай омиллар туфайли охир-оқибат 2030 йилга бориб, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробарга ошириш имкони вужудга келиши турган гап!

Чорак асрлик мустақиллик йўли халқимиз учун ҳам шараф, ҳам машаққатга тўла зафар йўли бўлди. Бугун саҳар тонгда Паркентнинг сўлим кўчаларини, Бекободнинг ораста маҳаллаларини, Қибрайнинг обод манзилларини бир-бир кезиб, дилда шукроналик билан кафтини очиб, Яратгандан бу йўлнинг буюк ижодкорига, мустақиллик меъморига узоқ умр сўраётган дуогўйларимизни кўрганда, сулув қиз-келинчакларнинг шодон чеҳрасига, кўкси тўла медаллар билан она юртга юзланиб турган спортчи ёшлар шижоатига боққанда, энг аввало, мана шу буюк юртда, қутлуғ бир замонда яшаётганимиз учун, фахр ва қониқиш билан такрорлаймиз:

*"Гўзал ва бетакрорим-сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"*

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**журналист.**

# ИМТИЁЗ, РАҒБАТ, МАСЪУЛИЯТ

Бошланиши 1-бетда.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш мақсадида 2015 йил 21 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни хусусий мулк ҳимоясини янги босқичга кўтарди. Бинобарин, қирқдан зиёд қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат этувчи ва бошқа давлат органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ва тўсқинлиги учун жавобгарликни кучайтиришда муҳим кафолатлар яратди.

Қонунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилиги либераллаштирилди, шу орқали хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари кучайтирилди, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш тартиб-тамойиллари, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ жараёнлар янада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

Бу каби давра суҳбатлари бизнес субъектларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ишбилармонлар фаолиятида учрайдиган муаммоли масалаларни мунтазам ўрганиб бориш ҳамда Қонун ижросини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**



# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТСИН ДЕСАНГИЗ

## ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг

Яна бир ўқув йилини ниҳоясига етказган ўқувчилар ёзги оромгоҳ ва соғломлаштириш масканларига йўл олишмоқда. Жажжи ўғил-қизларимиз мавсумни мароқли ўтказиши шубҳасиз. Чунки, бунга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилган. Аммо, шуни ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, бу ёшдаги болалар жуда ўйинқароқ бўлишади. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаса, турли кўнгилсизликлар юз бериши мумкин. Уларнинг олдини олиш учун эса оддий қоидаларга риоя қилиш лозим.

Жумладан, ёзги дам олиш оромгоҳлари ва соғломлаштириш муассасаларида мавсум бошланиши олдидан ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳолатни Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан биргаликда текшириб чиқиш ва аниқланган меъёр ва қоида талабларининг бузилган ҳолларини бартараф этиш чораларини кўриш шарт.

Мавсум олдидан хизмат кўрсатувчи шахслар билан ёнғин содир бўлганда болаларни қутқариш режаси амалий тарзда ишлаб чиқилиши керак. Оромгоҳларда пайвандлаш ва бошқа оловли ишларни бажаришга ёнғин чиқиш хавфлари бартараф этилгандан сўнг рухсат берилади.

Болалар гулханини ёқишга махсус тайёрланган ва умумий бинолардан 100 метр узоқликдаги майдонларда рухсат этилади. Шамолли обҳаво шароитида гулхан ёқиш тақиқланади. Электр ёритиш тармоқлари бўлмаган бостирма, омбор, чордоқ, ертўла ва бошқа жойларга киришда қўл электр фонаридан фойдаланиш керак. Гугурт ва бошқа очиқ олов манбаларидан фойдаланиш мумкин эмас. Ётоқхона, ошхона ва клубларни, оловга чидамлилиги IV-V даражали биноларнинг ҳаммаси яшин қайтаргич мосламалар билан жиҳозланиши жоиз. Ўт ўчириш қисми билан телефон алоқаси ўрнатилиши зарур. Алоҳида ҳолларда кечаю кундуз ишлайдиган ва ўт ўчириш қисми билан телефон алоқаси бўлган бошқа нозимхоналар билан радиоалоқа воситаси ўрнатилиши мумкин.

Соғломлаштириш муассасаси ва оромгоҳлар ҳудудида ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодисалар ҳақида хабар берувчи мосламалар бўлиши ҳам кўнгилсизликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, эътиборли ва доимо сергак бўлиш турмушимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омилдир.

**Шерзод ХОЖАЕВ,**
**вилоят ИИБ ЁХБ муҳандиси.**

# ЭЗГУ ИШЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда.

Бу эса, сайловнинг ҳар бир иштирокчисидан, энг аввало, сайловга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳ вакилларидан катта масъулият талаб қилади. Шу жиҳатдан сайловлар маҳаллалар фаолиятининг ривожи ва мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилгани, шу билан бирга, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилгани ушбу масъулиятли лавозимларга муносиб номзодлар сайланишига замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифалар тобора ортиб бораётир. Энг муносиб, масъулиятли ҳамда катта ҳаётий тажрибага, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилишнинг амалий кўникмаларига эга бўлган фуқароларнинг раис (оқсоқол) ва маслаҳатчи қилиб сайланишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий чоралар мажмуи амалга оширилди. Бу мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни янгилаш борасидаги ғоят муҳим вазифаларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва иштироки янада ошишига шубҳасиз ёрдам беради.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**


Реклама ва эълонлар

**ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛМОҚДА!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 22 апрелдаги "Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер участка ҳажмларини мақбуллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 01-03-12-16-сонли йиғилиш баёнига асосан белгиланган тартибга мувофиқ, Оҳангарон тумани захираси ихтиёридаги ер майдонларида белгиланган йўналишларда янги фермер хўжаликлари ташкил этиш учун лойиҳалар тасдиқланиб, танлов ўтказилмоқда.

Ҳурматли талабгорлар!

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларнинг ариза ва ҳужжатлари Оҳангарон тумани ҳокимлиги қошидаги ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинмоқда.

Қўшимча маълумотларни туман мақбуллаштириш ишчи гуруҳининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидаги (0-370) 645-26-49 ҳамда туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимидаги (0-370) 645-18-01 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

Оҳангарон тумани ҳокимлиги қошидаги ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси.

**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 28 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1. "Ғазалкент-Стоун" МЧЖда сақланаётган: Тошкент вилояти хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 22 236 940 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч., д/р. 10/301NAA бўлган, "КАМАЗ-541000" р-ли юк ав-на ҳамда бошланғич баҳоси - 7 036 915 сўм бўлган, 1984 йилда и/ч., д/р 10/1468АА бўлган, "ОДАЗ-9370" р-ли тиркама; 2. Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2 "Мариам текстиль сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Ўрта Чирчиқ туман судининг 14.02.2014 йилдаги 74-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 26 981 019 сўм бўлган 2009 йилда и/ч., д/р. 10V994GA, "Ласетти" р-ли ав-на. ЖИБ Юқори Чирчиқ туман судининг 15.06.2015 йил 1-294-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 2 898 000 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., д/р. 10Е137КА, ВАЗ-21063 р-ли ав-на. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "INFINbank"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

